
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ФАОЛ НУРОНИЙЛАР ҲАМ ҲИССА ҚЎШАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25 ноябрь кунги «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-405 сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли уч нафар фаол нурунийни бешта камбағал оилага бириктириш орқали уларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашиш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этилади.

Данғара тумани ҳокимлигида туман ҳокими, Фарғона вилояти ҳокими маслаҳатчиси, “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Зокиржон Раҳмонов ва бир гуруҳ фаол нурунийлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида ўтказилган учрашувда қарор мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Шунингдек, айти хужжатда қайд этилган вазифаларнинг тумандаги ижросига оид масалалар муҳокама қилиниб, манзилли чоралар белгилаб олинди.

2024-12-04 17:47:03